

ЎЗБЕКИСТОНДА САРАТОННИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТИЗИМИ



Тилляшайхов Мирзағолиб Нигматович, Юсупбеков Аброрбек Ахмаджанович, Джанклич Сайде Мустафаевна, Имамов Олим Абдилходжаевич
Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

СИСТЕМА РЕГИСТРАЦИИ РАКА В УЗБЕКИСТАНЕ

Тилляшайхов Мирзағолиб Нигматович, Юсупбеков Аброрбек Ахмаджанович, Джанклич Сайде Мустафаевна, Имамов Олим Абдилходжаевич
Республиканский специализированный научно практический медицинский центр онкологии и радиологии, Республика Узбекистан, г. Ташкент

CANCER REGISTRATION SYSTEM IN UZBEKISTAN

Tillyashaykhov Mirzagolib Nigmatovich, Yusupbekov Abrorbek Akhmadjanovich, Djanklich Sayde Mustafaevna, Imamov Olim Abdilkhodjaevich
Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center of Oncology and Radiology of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: saydesha@mail.ru

Резюме. Долзарблиги: Популяцион канцер-регистр (ПКР) — аҳоли ўртасида онкологик касалликларнинг тарқалишини доимий кузатиш тизими бўлиб, у маълум бир популяцияда саратон касалликларининг учраши ҳақидаги маълумотларни тўплайди, сақлайди, бошқаради, таҳлил қилади ва тарқатади. ПКР саратон касалликларининг тарқалишини баҳолаш учун катта маълумотлар манбаи ҳисобланади ҳамда тегишли профилактик ва даволаш тадбирларини режаслаштириш имконини беради. Тадқиқот мақсади: Ўзбекистон Республикасида саратонни рўйхатга олиш тизимини ўрганиш. Натижалар тахлили: Ўзбекистонда ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг (РИОваРИАТМ) 15 та ҳудудий филиали ҳамда туман ва шаҳар тиббиёт муассасаларида жойлашган 239 та онкологик кабинет фаолият юритмоқда, бу ерларда туман онкологлари беморларни қабул қилади. Маълумотларни йиғиш тизими пассив ҳисобланади ва асосан қозғоз шаклида клиник ва патоморфологик маълумотларни мажбурий тақдим этишга асосланган. РИОваРИАТМ ҳузуридаги канцер-регистр бўлимида камида 12 нафар шифокор-муттахассис ва тиббий регистратор ишлайди. РИОваРИАТМнинг ҳар бир 15 та ҳудудий филиалида саратонни рўйхатга олиш учун камида иккитадан мутахассис, яъни бир онколог ва бир врач-регистратор фаолият юритади. Ўзбекистонда саратонни рўйхатга олиш учун бир неча марта дастурий таъминотни жорий этиш уринишлари бўлган. Шунга қарамай, 2024 йилда саратонни рўйхатга олиш учун янги дастурий таъминот ишлаб чиқилди. Хулосалар: Ушбу тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, хавфли ўсмалар бўйича маълумотларни йиғиш тизими пассив ҳисобланади ва бир нечта ҳисобот шакллари тўлдиришга асосланган. Шунингдек, канцер-регистр тизимини, жумладан, дастурий таъминотни яратиш бўйича катта ишлар амалга оширилган.

Калим сўзлар: Хавфли ўсмалар, канцер-регистр, онкологик беморларни рўйхатга олиш.

Abstract. Relevance: The Population based cancer registry (PBCR) is a system of cancer prevalence monitoring, which collects, stores, manages, analyzes, and disseminates information about cancer incidence in a specific population. The PBCR is potentially a significant source of information for assessing cancer prevalence and enables planning of appropriate anticancer measures. Objective: To study the cancer registration system in the Republic of Uzbekistan. Results: The data collection system in Uzbekistan is passive and based on the mandatory submission of clinical and pathological data in paper form. The cancer registry department of RSSPMCOR has at least 12 specialist doctors and medical registrars. Each of the 15 regional branches of RSSPMCOR, responsible for cancer registration, employs at least two specialists: one oncologist and one medical registrar. Several attempts have been made to implement cancer registration software in Uzbekistan. However, in 2024, new cancer registration software was developed. Conclusion: The results of this study show that the cancer data collection system is passive and relies on filling out several accounting forms. Significant work has also been done to create a cancer registration system, including software development.

Keywords: Malignant neoplasms, cancer registry, cancer patient registration.

Кириш. Популяцион канцер-регистр — бу белгиланган популяцияда саратон касалликларининг тарқалишини доимий кузатувчи тизим бўлиб, у маълумотларни йиғади, сақлайди, бошқаради, таҳлил қилади ва тарқатади [1, 5, 7]. Популяцион канцер-регистр маълумотлари саратонга қарши курашда асосий пойдевор ҳисобланади, чунки улар профилактик тадбирлар ва саратонни даволаш чораларини режалаштириш, назорат қилиш ва баҳолаш имконини беради [6, 8, 9].

Госпитал (клиник) канцер-регистрлар — маълум бир муассасада саратон ташхиси қўйилган ва даволанаётган барча беморлар тўғрисидаги маълумотларни сақлайди. Госпитал канцер-регистри клиник ёрдам ва шифохона бошқарувига ихтисослашган бўлади.

Ўзбекистонда саратон маълумотларини йиғиш тизими 1950-йилларда, СССРда онкологик касалликлар устидан назорат тизими доирасида яратилган. Ушбу тизим қоғоз шаклидаги ҳисобот формаларига асосланган пассив ҳисобот механизмига эга. Кейин эса жамланган маълумотлар (давлат ҳисоботи шаклидаги жадваллар тўплами) Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИОваРИАТМ) хузуридаги канцер-регистри бўлимига ва шундан сўнг Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилади [2, 3, 4].

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида онкология хизмати 5-босқичли тизимдан иборат бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

1-босқич — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

2-босқич — Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИОваРИАТМ), у мамлакат онкология хизмати учун ташкилий-услубий марказ ҳисобланади;

3-босқич — РИОваРИАТМнинг ҳудудий онкология филиаллари (13 та филиал), шунингдек, Тошкент шаҳар филиали ва Қорақалпоғистон Республикаси филиали;

4-босқич — туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларидаги (ТТБ/ШТБ) туман онкологлари;

5-босқич — туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларидаги (ТТБ/ШТБ) “Онко-назорат” хоналари.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда популяцион канцер-регистрни такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақолада мамлакатда канцер-регистрини ташкил этиш ва ривожлантириш юзасидан олиб борилган тадбирлар ҳамда саратонни рўйхатга олиш тизими батафсил тавсифланган.


Тадқиқот мақсади. Ўзбекистонда хавфли ўсмалар ҳолатларини рўйхатга олиш тизимини ўрганиш.

Материаллар ва усуллар. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 37 майдаги №5130-сонли “Аҳолига гематологик ва онкологик хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори олинди. Ушбу ҳужжатда Ўзбекистонда популяцион канцер-регистр яратилиши ва саратонни рўйхатга олиш тизимини такомиллаштириш белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида популяцион канцер-регистрни жорий этиш бўйича Ислом тараққиёт банки (ИТБ) лойиҳаси ҳам тадқиқот объектига киритилган.

Натижалар. Ўзбекистонда аҳолига онкологик ёрдам кўрсатиш тизими кўп босқичли бўлиб, 1-расмда тасвирланган. Бемор аввало оилавий поликлиникага мурожаат қилади, у ерда унинг амбулатор картаси (025-шакл) очилади ва зарурат туғилса, кўп тармоқли туман поликлиникасига йўналтирилади, у ерда туман онкологик қабул қилади. Бемор ҳақидаги барча маълумотлар оилавий поликлиника амбулатор рўйхатидан жой олади. Агар бемор туман онкологига мурожаат қилса, шифокор уни аввал текширади, зарур таҳлиллар ва текширувларга йўлланма беради. Агар онкологик патология гумон қилинса, бемор РИОваРИАТМнинг ҳудудий онкология филиалига юборилади ва у ерда чуқурлаштирилган текширувлар ўтказилади. Агар саратон ташхиси тасдиқланса, шифокор махсус тиббий шакл — 090 (биринчи марта аниқланган хавфли ўсма тўғрисида хабарнома) ни тўлдиради ва уни 3 кун ичида бемор яшаш жойидаги ТТБ/ШТБга рўйхатга олиш учун юборилади.

Тузилмавий иерархияни ўрганар эканмиз, таъкидлаш лозимки, канцер-регистр бўлими РИОваРИАТМ таркибидаги Саратон профилактикаси марказига қиради. Ушбу марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги №2866-сонли қарори билан ташкил этилган — “2017–2021 йилларда онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”.

Саратон профилактикаси марказида камида 12 нафар шифокор-муттаҳассис ва тиббий регистраторлар ишлайди. Онкологик касалликларни рўйхатга олиш учун жавобгар бўлган РИОваРИАТМнинг 15 та ҳудудий бўлимларида тиббий статистика бўлимларида камида икки нафар мутахассис — онколог ва тиббий регистратор фаолият олиб боради.



Расм 1. Ўзбекистон Республикасида онкология хизматида ҳисобот ва ҳисобга олиш тузилмаси

Саратон профилактикаси маркази ҳар йили ҳудудий бўлимлардаги тиббий мутахассислар, тиббий регистраторлар ва участка онкологлари учун рўйхат шакллари ва бошқа ҳужжатларни тўлдириш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида семинарлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида онкологик беморларни рўйхатга олиш тизими пасив ҳисобланади ва барча хавфли ўсмалар ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар Халқаро касалликлар таснифи 10-тақризига (МКБ-10) мувофиқ C00–C96 ва D00–D09 кодлари бўйича йиғилади.

Ҳар йили фақат янги аниқланган хавфли ўсмалар ҳолатларини қамраб олувчи статистик ҳисобот тузилади. Саратонни рўйхатга олишнинг асосини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги №363-сонли буйруғи билан тасдиқланган медицинал шакллар ташкил этади: 090-шакл, 027-1 ва 027-2 шакллари.

Ушбу шакллар саратонни ташхислаш ва даволаш учун масъул тиббий мутахассислар, жумладан онкологлар ва РИОваРИАТМ филиалларидаги тиббий статистиклар томонидан тўлдирилади. 027-шакллар одатда онкологик касалликка чалинган ва шифохоналардан (РИОваРИАТМ ва унинг филиаллари ҳамда бошқа муассасалар) чиқарилган барча беморлар учун тўлдирилади. Бу муассасаларда ташхис қўйиш ва ёки даволаш ишлари амалга оширилган бўлади.

Амалиётда ноонкологик ва хусусий шифохоналар мазкур шаклларни тўлдирмайди ва юбормайди. 090 ва 027 шакллар РИОваРИАТМнинг ҳудудий бўлимларига юборилади, улар эса ушбу маълумотларни бемор яшаш манзили бўйича участка онкологига жўнатади.

Туман онкологи барча индивидуал онкологик ёзувларни қоғоз шаклида (журналда) ёки Excel файлда сақлайди — асосан кейинги кузатув мақсадида. Шунингдек, туман онкологи янги саратон ҳолати учун 030-шакл яратади ёки мавжуд рўйхатни янгилайди — у ерга даволаш ва кузатув маълумотлари киритилади.

Онкологик касалликлар Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши бўйича рўйхатга олинади. Ҳар бир туман онкологи ва ҳудудий бўлим 7-шакл бўйича тегишли ҳудуд учун давлат ҳисоботини шакллантиради ва текширилгандан сўнг, канцер-регистр бўлимига йилига икки марта юборилади.

7-шакл — расмий давлат ҳисоботи бўлиб, хавфли ўсмалар ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади ва туман онкологлари ҳамда ҳудудий бўлимлар томонидан канцер-регистр бўлимига юборилади. Жамланган

ҳолда шакл тузилиб, кейин Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилади.

Ҳисобот бир неча жадвалдан иборат бўлиб, улар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

МКБ-10 кодлари бўйича касаллик ҳолатлари сони;

жинси ва ёш гуруҳлари бўйича тақсимоти, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси алоҳида кўрсатилади;

«1 йил ичида вафот этганлар сони» (яъни, ташхис қўйилгандан сўнг 1 йил ичида вафот этганлар);

онкологик даволанишни олган беморлар сони — МКБ-10 локализацияси ва даволаш тури (жарроҳлик, кимё терапия, нур терапияси, комбинирланган) бўйича.

Ўзбекистонда ўлим ҳолатлари Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари (ФХДЁ) орқали рўйхатга олинади. ФХДЁ ўлим ҳолати бўйича маълумотларни, жумладан, МКБ-10 коди асосидаги ўлим сабаби, ўлим санаси ва марҳум ҳақидаги шахсий маълумотларни қайд этади. Бу маълумотлар шахсий идентификаторлар ёрдамида ёзиб борилади. ФХДЁ томонидан йиғилган маълумотлар миллий ва ҳудудий статистика идораларига умумлаштириш учун юборилади.

Тиббиёт муассасалари шифохоналарда содир бўлган ўлим ҳолатлари тўғрисида маълумот беришади. Ўлим ҳақидаги далолатномаларда МКБ кодлаш тизими асосида тиббий ўлим сабаби кўрсатилади. Кейин бу далолатномалар ФХДЁ органларига тақдим этилади.

2020 йилдан бошлаб, тиббиёт муассасалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги электрон маълумотлар базасига кириш имконига эга бўлдилар. Бу базани UZINFOCOM АТ-компанияси юритади. Унда шахсий маълумотлар (персонал кодни ҳам ўз ичига олган ҳолда), шунингдек, ўлим санаси ва сабаби (МКБ-10) ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Саратонни рўйхатга олиш учун махсус дастурий таъминот талаб этилади. У қуйидаги модулларни ўз ичига олади: маълумотларни киритиш, маълумотларни солиштириш, сифатни назорат қилиш, таҳлил ва ҳисобот шакллари шакллантириш.

Ўзбекистонда саратонни рўйхатга олиш учун бир неча бор дастурий таъминот жорий этишга ҳаракат қилинган. 2018 йилда CanReg5 тизимининг рус тилидаги пилот версияси РИОваРИАТМда синаб кўрилган. Кейинги йилларда халқаро тавсияларга мос равишда маълумот тўплаш, сифатни баҳолаш ва ҳисоботлар шакллантириш учун замонавий дастурий таъминотни яратиш бўйича ишлар бошланган.



Расм 2. Ўзбекистон Республикаси Миллий канцер-регистрига маълумотларни тўплаш тизими

Саратонни рўйхатга олишнинг янги ахборот тизими UZINFOCOM АТ-компанияси томонидан, РИОВАРИАТМ, МАИР, ЖССТ ва Ислон тараққиёт банки кўмагида ишлаб чиқилди. Тизим автоматик равишда Ўзбекистондаги туғилиш ва ўлим маълумотлари базаси билан боғланган. Ушбу дастурда маълумотларни киритиш, консолидация қилиш ва таҳлил қилиш/ҳисобот бериш учун модуллар мавжуд.

2024 йил давомида РИОВАРИАТМнинг барча филиаллари саратонни рўйхатга олишда ишлаш учун зарур техник воситалар билан жиҳозланди. 2024 йил ноябрида саратонни рўйхатга олиш асослари ва канцер-регистр дастурида ишлаш бўйича биринчи семинар-тренинг ўтказилди.

Канцер-регистр тизими 2025 йил январидан босқичма-босқич амалга жорий этила бошланди. Бугунги кунга келиб деярли РИОВАРИАТМнинг барча филиаллари, Республика болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси маркази, шунингдек, Республика ихтисослаштирилган гематология маркази тизимга жалб этилган.

РИОВАРИАТМ томонидан саратонни рўйхатга олиш бўйича регламентлаштирувчи хужжат (Буйруқ) ишлаб чиқилган бўлиб, унда канцер-регистрининг тузилиши, рўйхатга олиш тартиби, маълумот манбалари, штат бирликлари ва тўлдирилиши керак бўлган майдонлар батафсил баён этилган.

Система иштирокчиларининг ташкилий-функционал тузилиши иерархик шаклга эга бўлиб, 2-расмда акс эттирилган. РИОВАРИАТМ филиаллари саратон ҳолатлари бўйича индивидуал маълумотларни тўғридан-тўғри канцер-регистр тизимига киритадилар.

Миллий марказлар — РИОВАРИАТМ, Республика гематология маркази (РГМ) ва Республика болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси маркази (ЦДГОКИ) хавфли ўсма ҳолатлари бўйича маълумотларни канцер-регистрнинг марказий офисига (РИОВАРИАТМ) ёки РИОВАРИАТМ филиалига юборишади ёки рўйхатга олишади.

РИОВАРИАТМ филиалларидаги ҳудудий канцер-регистр бўлимлари саратон ҳолатларини рўйхатга олиш, маълумотларни текшириш ва ҳудудий даражада консолидация қилиш ишларини амалга оширади. Бу маълумотларнинг сифатини таъминлаш ва дубликатларни аниқлаш учун муҳим ҳисобланади. Ҳудудий офислар туман онкологлари ва бошқа маълумот манбалари билан яқин ҳамкорликда ишлайди.

Канцер-регистрининг марказий офиси (РИОВАРИАТМ) барча филиаллардан, РГМ, ЦДГОКИ каби бошқа маълумот манбаларидан ва аҳоли ўлим кўрсаткичларига оид миллий маълумотлардан келиб тушган маълумотларни консолидация қилади.

Хулосалар. Олиб борилган тадқиқот таҳлили шундан далолат берадики, хавфли ўсмалар ҳолатларини рўйхатга олиш тизими

мажбурий равишда тўлдириладиган қоғоз шаклидаги ҳисоботларга асосланган пассив ахборот тизими ҳисобланади. Кейинчалик, ҳисобот шакллари беморнинг яшаш жойи бўйича Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг ҳудудий филиалига юборилади. У ердаги мутахассислар агрегатлаштирилган маълумотларни РИОваРИАТМ таркибидаги Саратон профилактикаси маркази қошида фаолият юритувчи канцер-регистр бўлимига тақдим этишади.

Адабиётлар:

1. Кистенева О.А., Нестеренко А.В., Былдина А.И. Онкология в истории медицины // International scientific review. — 2017. — №1 — С. 32
2. Состояние онкологической помощи населению Республики Узбекистан в 2023 году / под ред М.Н. Тилляшайхов, Ш.Н. Ибрагимов, С.М. Джанклич. — Ташкент: ИПТД «Халк», 2024. — 184 с.
3. Контроль качества онкологической помощи населению с использованием современных информационных систем. Пособие для врачей / Ред. В.М. Мерабишвили, В.В. Старинский. — СПб., 2005. — 61 с.
4. Barchuk A, Belyaev A, Gretsova O, Tursun-Zade R, Moshina N, Znaor A. History and current status of cancer registration in Russia // Cancer Epidemiol. - 2021. Vol. 73. - pp. 963. doi: 10.1016/j.canep.2021.101963.
5. Cancer in Finland 2006 and 2007. Cancer Society of Finland Publication N76. — Helsinki, 2009. — 87 p.
6. Bray F, Znaor A, Cueva P, Korir A, Swaminathan R, Ullrich A, Wang SA, Parkin DM. Planning and Developing Population-Based Cancer Registration in Low- or Middle-Income Settings. — Lyon. — 2014. — 46 p. PMID: 33502836.
7. Bray F, Ferlay J, Laversanne M, Brewster DH, Gombe Mbalawa C, Kohler B, Piñeros M, Steliarova-Foucher E, Swaminathan R, Antoni S, Soerjomataram I, Forman D. Cancer Incidence in Five Continents: Inclusion criteria, highlights from Volume X and the global status of cancer registration. Int J Cancer. 2015 Nov 1;137(9). — 2060 p. doi: 10.1002/ijc.29670. PMID: 26135522.

8. Carmen Martos, Emanuele Crocetti (Coordinator), Otto Visser, Brian Rous, Francesco Giusti and the Cancer Data Quality Checks Working Group, A proposal on cancer data quality checks: one common procedure for European cancer registries – version 1.1, EUR 29089 EN, Publications Office of the European Union, Luxembourg.— 2018. — 99 p. doi:10.2760/429053

9. Cancer in Europe / Edited by Jemal A., Vineis P., Bray F., Torre L., D. Forman // The Cancer Atlas. — 2nd ed. — 2014. — pp. 56–57.

СИСТЕМА РЕГИСТРАЦИИ РАКА В УЗБЕКИСТАНЕ

Тилляшайхов М.Н., Юсупбеков А.А., Джанклич С.М.,
Имамов О.А.

Резюме. Актуальность: Популяционный канцер-регистр (ПКР) представляет собой систему непрерывного сбора, хранения и анализа данных о онкологической заболеваемости в определенной популяции. ПКР потенциально является большим источником информации для оценки распространенности рака и позволяет планировать соответствующие противо-раковые мероприятия. Цель исследования: Изучить систему регистрации рака в Республике Узбекистан. Результаты: В Узбекистане функционирует 15 региональных филиалов Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра онкологии и радиологии (РСНПМЦОР) и 239 онкологических кабинета в районных и городских центрах здравоохранения, где ведут прием районные онкологи. Система сбора данных является пассивной, основанной на обязательном представлении клинических и патологических данных в бумажном виде. Отдел канцер регистра РСНПМЦОУР имеет не менее 12 врачей-специалистов и медицинских регистраторов. В каждом из 15 региональных отделений РСНПМЦОУР, ответственных за регистрацию рака, работают не менее двух специалистов, один онколог и один врач-регистратор. В Узбекистане было предпринято несколько попыток внедрить программное обеспечение для регистрации рака. Тем не менее, в 2024 году было разработано новое программное обеспечение для регистрации рака. Выводы: Результаты этого исследования показывают, что система сбора данных о злокачественных новообразованиях является пассивной и основана на заполнении нескольких учетных форм. Также была проделана большая работа по созданию системы регистрации рака, включая программное обеспечение.

Ключевые слова: Злокачественные новообразования, канцер регистр, учет онкологических больных.